


МУХЛИСА ШАРАХМЕТОВА

«БОБУРНОМА»НИНГ УРДУЧА ТАРЖИМАСИДА МУАЛЛИФ УСЛУБИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ

МУХЛИСА ШАРАХМЕТОВА

**«БОБУРНОМА»НИНГ УРДУЧА
ТАРЖИМАСИДА МУАЛЛИФ УСЛУБИ**

Тошкент – 2022

Улуғ ватандошимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур қолдирган илмий-адабий мерос ичида, шубҳасиз, энг буюги – «Бобурнома»дир. «Бобурнома» мураккаб жанрда битилган асардир, айна пайтда, ўзбек адабиётида дастлабки насрий-мемуар ва тарихий-адабий ёдгорликдир.

Ушбу монографияда «Бобурнома»нинг урду тилига қилинган таржималари хусусида батафсил маълумот келтирилган, таржимада муаллиф услубига оид фикр-мулоҳазалар баён қилинади.

Тошкент давлат шарқшунослик университети

Илмий-услубий кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган

Масъул муҳаррир:

Муҳибова У.У.

филология фанлари доктори, профессор

Такризчилар:

Абдурахмонова М.Ҳ.

филология фанлари номзоди, доцент

Халлиева Г.И.

ЎзДЖТУ профессори, филология фанлари доктори

Тошкент давлат шарқшунослик университети илмий-услубий
кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган
(27.12.2021,5-баённома).

© М.Шарахметова, 2022

© Тошкент давлат шарқшунослик университети, 2022 й.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
«БОБУРНОМА»НИНГ УРДУЧА ТАРЖИМАЛАРИ БЎЙИЧА	
ОЛИБ БОРИЛГАН ТАДҚИҚОТЛАР ТАҲЛИЛИ	12
«Бобурнома»нинг тарихий-адабий манба сифатида ўрганилиши.....	12
«Бобурнома»нинг туркийдан урдуга қилинган таржимаси.....	22
«Бобурнома»нинг форсийдан урдуга қилинган таржималари.....	27
Хулосалар.....	42
«БОБУРНОМА»НИНГ ТУРКИЙДАН ТАРЖИМАСИДА	
ЛЕКСИК-СЕМАНТИК ЖИҲАТЛАРНИНГ БЕРИЛИШИ	45
Муаллиф тасвир тарзига хос бадиий хусусиятларнинг инъикоси.....	45
Аслиятга хос миллий колоритнинг таржимада акс этиши.....	54
Тарихий шахслар адабий портрети таржимасида лексик-семантик	
парадигмаларнинг қўлланилиши.....	63
Хулосалар.....	97
«БОБУРНОМА»ДА ТАРЖИМА	
ТРАНСФОРМАЦИЯЛАРИНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ	99
3.1. Мамлакатлар таърифи ва топонимларнинг таржимада берилиши ...	105
3.2. Ҳиндистонга хос ҳайвонот олами тасвирининг таржимада	
қайта яратилиши	118
3.3. Наботот дунёси тасвирининг таржимадаги талқини	128
Хулосалар.....	135
ХУЛОСА	137
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР	140

КИРИШ

Дунё филологиясида халқларнинг ўзаро маданий-адабий алоқалари мустаҳкамланишида турли услубга хос асарлар таржимавий хусусиятларини тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади. «Бобурнома» туркий, хусусан, ўзбек адабиётининг намунаси сифатида Шарқ ва Ғарб олимлари орасида катта қизиқиш уйғотиб, изчил ўрганилаётган асарлардан биридир. Бобур асарлари, жумладан, «Бобурнома»нинг таржимасида муаллиф услубига хос лексик-семантик хусусиятларни очиб бериш таржимашуносликда муҳим аҳамият касб этади.

Дунё таржимашунослигида ёзма манбаларнинг хорижий тилларга қилинган таржималарини илмий жиҳатдан ўрганиш бугунги кунда долзарблик касб этади. Уларни лексик-семантик жиҳатдан ўрганиш, реалияларни таржима асарларида ўгириш, улардаги тушунилиши қийин бўлган атамаларнинг маъносини изоҳлар бериш орқали тушунтириш, таржима асарни аслиятдан бевосита ҳамда билвосита таржима қилишнинг афзал ва мураккаб томонларини аниқлаш каби йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари бораётган Ўзбекистонда мумтоз адабиётимиз намуналари бошқа тилларга таржима қилиш билан боғлиқ соҳаларда сезиларли ютуқларга эришилмоқда. Илм-фанда тарихимиз ва санъатимизга қандай муносабатда бўлиб келгани, ҳозирда бу муносабатлар қай тарзда кечаётгани, жумладан, мумтоз адабиётимиз намуналарининг бошқа тилларга ўгирилиб, тадқиқ этилиши ҳозирги куннинг муҳим масалаларидан бири ҳисобланади. Зеро, «Биз боболаримиз меросини қанча кўп ўргансак, бугунги кунда ҳам бизни ташвишга солаётган жуда кўп саволларга тўғри жавоб топамиз. Бу бебаҳо меросимизни қанча фаол тарғиб этсак, халқимиз, айниқса, ёшларимиз бугунги тинч ва эркин ҳаётнинг қадрини англаб етади»¹.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси / Янги Ўзбекистон. – Тошкент, 2020. 30-декабрь.